

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДИ
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ
ҲАЙЪАТИНИНГ
ҲУКМИ
№11-2301-2204/36

2022 йил 11 октябрь

Нукус шаҳри

Қорақалпоғистон Республикаси судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, қуйидаги таркибда:

раислик қилувчи - Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судининг судьяси Т.Турдымуратов,

ҳайъат аъзолари – судьялар А.Бекманов ва Л.Отегенова,

судья катта ёрдамчиси Г.Бисеновнинг котибалигида,

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори Т.Бекмуратов,

судланувчи ХХХ ва ҳимоячиси ХХХ,

судланувчилар ХХХ, ХХХ, ХХХ ва ҳимоячи адвокатлари ХХХва ХХХлар иштирокида,

ХХХ, ХХХ, ХХХ ва ХХХларга нисбатан чиқарилган Жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2022 йил 03 июндаги ҳукми устидан судланувчилар томонидан берилган шикоятларига асосан, жиноят ишини очиқ суд мажлисида, апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Суднинг ҳукми билан: ХХХ куни, Шўманой туманида туғилган, миллати қорақалпоқ, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 4 нафар фарзандли, муқаддам судланмаган, депутат эмас, Нукус шаҳрида жойлашаган “ХХХ” раҳбари бўлган, ХХХ уйда яшаган, иш юзасидан ЖПКнинг 221-моддаси тартибида 16.12.2021 йил соат 19:30 дақиқа ўтганда ушланган, 17.12.2021 йилдан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган ХХХ,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 184-моддаси 3-қисми билан 4 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси, 189-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 228-моддаси 3-қисми билан иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, ЖКнинг 59-моддаси 2-қисми ва 61-моддалари тартибида жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил 4 йил 1 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган. ЖКнинг 62-моддасига асосан 2021 йил 16 декабрдан 2022 йил 03 июнга қадар



қамоқда ўтирган ҳар бир куни тайинланган озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, тайинланган озодликни чеклаш жазосидан чегирилган.

6 ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси ДСБ фойдасига 156.956.560 сўмлик тўланмаган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни қоплаш мажбурияти юклатилган ва унга ЖКнинг 48¹-моддаси 5 ва 6-қисмлари талаблари тушунтирилган. Қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб суд залидан қамоқдан озод қилинган.

Ҳукм қонуний кучга киргач Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг Агробанк Нукус шаҳар филиалидаги 20204000000413697001-сонли депозит ҳисоб рақамига етказилган моддий зарарни қоплаш учун солинган 405.470.000 сўмлик тўланмаган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни Қорақалпоғистон Республикаси ДСБ фойдасига ундирилиши;

Қорақалпоғистон Республикаси ДСБ фойдасига 156.956.560 сўмлик тўланмаган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилиши белгиланган.

XXX куни, Қораўзак туманида туғилган, миллати қорақалпоқ, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзандли, муқаддам судланмаган, депутат эмас, вақтинча ишсиз олдин XXX бошлиғи лавозимида ишлаган, XXXда ҳисобда туриб, XXXда яшайди, иш юзасидан 15.12.2021 йилдан гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган XXX,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 205-моддаси 1-қисми ва 205-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилган ҳолда ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинган. Қўлланилган гаров тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, гаров пулларни қайтариб берилиши белгиланган.

XXX куни, Кегейли туманида туғилган, миллати қорақалпоқ, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзандли, муқаддам судланмаган, депутат эмас, XXX, XXX рақамсиз уйда яшайди, иш юзасидан 15.12.2021 йилдан гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган XXX,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 205-моддаси 1-қисми ва 205-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилган ҳолда ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинган. Қўлланилган гаров тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, гаров пулларни қайтариб бериш белгиланган.

XXX куни, Шўманой туманида туғилган, миллати қорақалпоқ, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 2 нафар фарзандли, муқаддам судланмаган, депутат эмас, XXXда ката



инспектор, ХХХда яшайди, иш юзасидан 15.12.2021 йилдан гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган ХХХ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 205-моддаси 1-қисми ва 205-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилган ҳолда ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинган. Қўлланилган гаров тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, гаров тарзидаги телевизор ва музлаткиш қайтариб берилиши белгиланган.

Манфаатдор тарафларга ўзларига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик ва иқтисодий ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш ҳуқуқлари борлиги ҳақида тушунтирилган.

Суд ҳукмига кўра:

1. Судланувчи ХХХ 15.05.2018 йилдан “ХХХ” МЧЖга раҳбарлик қилиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш йўли билан мулкӣ манфаатлар кўриш каби ғаразли мақсадларни кўзлаб, фаолияти давомида турли ноқонуний йўллар билан моддий бойлик орттиришни режалаштириб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (эски таҳрирдаги) 224-моддаси 1-қисмида “Солиқ солинадиган оборотлар бўйича қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади” – деб кўрсатилган ва 360-моддаси 1-қисмида “Ягона солиқ тўлови солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади” – деб кўрсатилган талабларини бузиб, яъни товарларни (хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш мақсадида, 2019 йилда жамиятнинг товар айланмасининг солиқ солинадиган базаси жами 7 174 949,0 минг сўмни ташкил қилганлигини била туриб, давлат томонидан белгиланган солиқларни қасддан тўламаслик мақсадида жамиятнинг Нукус шаҳар Давлат солиқ инспекциясига тақдим қилинган ҳисоботларида солиқ ҳисоблаш базасини қасддан камайтириб кўрсатиб, 2019 йилда жамият томонидан жами 6 349 749,0 минг сўмлик товар айланмаси амалга оширилганини кўрсатиб, 40916,0 минг сўмлик қўшимча қиймат солиғини, шунингдек жамият хисобига кирим қилинган 1 480 422,8 минг сўмлик товарлар қолдиқда йўқ эканлиги, яъни реализация қилиниб ҳисоботда кўрсатилмасдан, 296.084,56 минг сўм қўшилган қиймат солиғини, жами 2 та ҳолатда 337.000,56 минг сўм қўшилган қиймат солиғини, шунингдек жамиятнинг 2019 йилда фойда солиғи бўйича жами соф тушим 7 830 171,7 минг сўм бўлсада, ҳисоботларда соф тушимни 6.241.897,8 минг сўм деб кўрсатиб, жами 225 426,0 минг сўм даромад солиғини, жами 562 426,56 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаганликда ифодаланган ҳаракатлари билан ЖКнинг 184-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этганликда;



Бундан ташқари, ХХХ ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли, 17.11.2011 йилдаги “Фискал хотирага эга бўлган назорат касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 306-сонли ва 2003 йил 13 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 75-сонли Қарорларида белгиланган, товарлар, маҳсулотларни (хизматларни) чек (квитанция, ҳисоб) бермасдан сотиш ҳамда назорат-касса машиналарини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассаларни қўллаш тартибини бузиб, жамият ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлар эвазига 2019 йилда “ХХХ” МЧЖдан 1 млрд. 480 млн. 422,8 минг сўмлик шакар маҳсулотларини сотиб олиб, кейинчалик ушбу сотиб олинган жами 1 млрд. 480 млн. 422,8 минг сўмлик маҳсулотларни терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга нақд пулга сотиб, гуёки “ХХХ” МЧЖдан жамият номидан қурилиш материалларини сотиб олган қилиб кўрсатиб, “ХХХ” МЧЖ ва “ХХХ” ўртасида 2019 йилда тузилган 32 та ҳисобот фактураларнинг, яъни муайян ҳуқуқ берадиган ва расмий ҳужжат ҳисобланган ҳисоб-фактураларнинг қалбаки эканлигини била тура, ушбу ҳужжатлардан фойдаланиб, мазкур пулларни жамиятнинг банкдаги ҳисоб рақамига топширган тақдирда ушбу пуллар жамиятнинг давлат бюджети олдида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган қарздорлигини сўндиришга йўналтирилишини била туриб, савдодан тушган жами 1 млрд. 480 млн. 422,8 минг сўм миқдордаги пул маблағларини назорат касса машинасидан ўтказмасдан ҳамда 1 млрд. 480 млн. 422,8 минг сўм миқдордаги пул маблағларини банк муассасасига топширмасдан жуда кўп миқдордаги қийматда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари билан ЖКнинг 189-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни қасддан содир этганликда;

Шуниндек, ХХХ юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан чекланиб қолмасдан, жиноий қилмишларини давом эттириб, такроран, жамият раҳбари бўлиб ишлаб келиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш йўли билан мулкрий манфаатлар кўриш каби ғаразли мақсадларни кўзлаб, фаолияти давомида турли ноқонуний йўллар билан моддий бойлик орттиришни режалаштириб, гуёки “ХХХ” МЧЖдан жамият номидан қурилиш материалларини сотиб олган қилиб кўрсатиб, “ХХХ” МЧЖ ва “ХХХ” ўртасида 2019 йилда тузилган 1 млрд 411 млн 963 млн сўмлик 32 та ҳисобот фактураларнинг, яъни муайян ҳуқуқ берадиган ва расмий ҳужжат ҳисобланган ҳисоб-



фактураларнинг қалбаки эканлигини била тура, ушбу хужжатлардан фойдаланиб, яъни ушбу ҳисобот фактураларни жамият бош ҳисобчисига тақдим қилиб, 2019 йилда жами 2 та ҳолатда 337.000,56 минг сўм қўшилган қиймат солиғини ҳамда жами 225 426,0 минг сўм даромад солиғини, жами 562 426,56 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаганликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари билан ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этганликда айбланган.

2. Судланувчи ХХХ 17.07.2019 йилдан 02.11.2020 йилга қадар ХХХ бошлиғи лавозимида ишлаган даврида, мансабдор шахс бўла тура, ўзининг ғараз ва паст ниятларини амалга ошириш мақсадида, мансаб мавқеини суистеъмол қилиб, инспекциянинг бюджет тушум даромадларини ҳисоботини юритиш ва прогнозлаштириш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган ХХХ, инспекциянинг бюджет тушум даромадларини ҳисобини юритиш ва прогнозлаштириш бўлими бош инспектори лавозимида ишлаган ХХХ ва инспекциянинг бюджет даромадларини ҳисобини юритиш ва инспекциясининг бюджет тушум даромадларининг ҳисобини юритиш ва прогнозлаштириш бўлими бош инспектори лавозимида ишлаган ХХХлар билан олдиндан жиноий тил бирктириб, бир гуруҳ бўлиб, ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиб, қўл остида ишлаган ходимларига топшириқ ва кўрсатмаларини бериб, гуёки тадбиркорлик субъектининг мурожаати асосида ортиқча пул маблағларини унинг ҳисоб рақамига қайтарилган қилиб кўрсатиб, яъни Нукус шаҳрида жойлашган “ХХХ” МЧЖ раҳбарининг

2020 йил 06 январь кунги қўшимча қиймат солиғидаги ортиқча тўлов ҳисобидан 100.200,0 минг сўмни ҳисоб рақамига қайтариб беришни сўраган мурожаати бўйича, ушбу жамиятнинг 2019 йилда қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг шу даврда амалда бўлган 70-моддасига асосан камерал назоратидан ўтказмасидан ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 08.08.2019 йилдаги 202-сонли буйруқ талабларига зид равишда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 30.12.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-599-сонли Қонунининг 5-моддасида ҳисобланган солиқ сўммасидан ҳисобга олинадиган ҚҚС сўммасининг ошиб кетиши натижасида ҳосил бўлган ҚҚС сўммасининг ўрнини қоплаш 2020 йил 01 июль кунидан эътиборан амалга оширилиши кўрсатилган бўлсада, ушбу қонун талабларининг қўпол равишда бузилишига йўл қуйиб, тегишли тузилма раҳбарларининг муносабатини билдириш ҳақидаги айланма варақасини юритилмаганлигини била тура, фақат бюджетга тушимлар прогнозни режаси кўрсаткичи учун, солиқ инспекциясида ушбу пул маблағларини вақтинча сақлаб туриб,



тўғридан-тўғри 100.200,0 минг сўмлик ортиқча тўловни ўзининг пароли орқали шаҳар ғазначилик бўлими орқали жамиятнинг банк филиалидаги ҳисоб рақамга қайтарилишига йўл қўйиб, жамиятга 2019 йил учун ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга ҳисобланган жами 131.916,1 минг сўм солиқ тўловларнинг тўланмасдан қолишига йўл қўйилганлиги оқибатида давлат манфаатларига жами 100.200,0 минг сўмлик кўп миқдорда ва жиддий зарар етказганликда ифодаланган ҳаракатлари билан ЖКнинг 205-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир қилганликда;

Бундан ташқари, ХХХ юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан чекланиб қолмасдан, жиноий қилмишларини давом эттириб, такроран, ХХХ бошлиғи лавозимида ишлаган даврида, мансабдор шахс бўла тура, ўзининг ғараз ва паст ниятларини амалга ошириш мақсадида, мансаб мавқеини суистеъмол қилиб, инспекциянинг бюджет тушум даромадларини ҳисоботини юритиш ва прогнозлаштириш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган ХХХ, инспекциянинг бюджет тушум даромадларини ҳисобини юритиш ва прогнозлаштириш бўлими бош инспектори лавозимида ишлаган ХХХ ва инспекциянинг бюджет даромадларини ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш бўлими бош инспектори лавозимида ишлаган ХХХлар билан олдиндан жиноий тил бирктириб, бир гуруҳ бўлиб, ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиб, қўл остида ишлаган ходимларига топшириқ ва кўрсатмаларини бериб, гуёки тадбиркорлик субъектининг мурожаати асосида ортиқча пул маблағларини унинг ҳисоб рақамига қайтариб, яъни Нукус шаҳрида жойлашган “ХХХ” МЧЖ раҳбари ХХХнинг 2020 йил 14 январь кунги қўшимча қиймат солиғидаги ортиқча тўлов ҳисобидан 160.000,0 минг сўмни ва 340.000,0 минг. сўмни ҳамда 2020 йил 15 январь кунги 3.060,0 минг сўмни 2020 йил 15 июль кунги қўшимча қиймат солиғидаги ортиқча тўлов ҳисобидан 44.000,0 минг сўмни ҳисоб рақамига қайтариб беришни сўраган мурожаатига асосан, ушбу жамиятнинг 2019 йилда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши бўйича Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг шу даврда амалда бўлган 70-моддасига асосан камерал назоратидан ўтказилмаганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 08.08.2019 йилдаги 202-сонли буйруқ талабларига зид равишда, тегишли тузилма раҳбарларининг муносабатини билдириш ҳақидаги айланма варақасини юритилмагнлигини била тура, фақат бюджетга тушимлар прогнозни режаси кўрсаткичи учун, солиқ инспекциясида ушбу пул маблағларини вақтинча сақлаб туриб, сўнг тўғридан-тўғри 2,0 млрд сўмлик ортиқча тўловни, ўзининг шахсий пароли орқали Нукус шаҳар ғазначилик бўлимига йўналтириб, сўнг жамиятнинг банк филиалидаги ҳисоб рақамга қайтарилишига йўл қўйиб, жамиятнинг 2019 йил учун ҳисобланган фойда солиқдан 225.426,0 минг сўм ва қўшилган қиймат солиғига 337.000,56 минг сўм, жами 562.426,56 минг сўм солиқ тўловларнинг тўланмасдан қолишига сабабчи бўлиб, давлат



манфаатларига жами 562.426,56 минг сўмлик жўда кўп миқдорда ва жиддий зарар етказганликда ифодаланган ҳаракатлари билан ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни қасддан содир қилганликда айбланган.

3. Судланувчи ХХХ 25.07.2019 йилдан 22.06.2021 йилга қадар ХХХ бюджет тушум даромадларини ҳисоботини юритиш ва прогнозлаштириш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган даврида, мансабдор шахс бўла тура, ўзининг ғараз ва паст ниятларини амалга ошириш мақсадида, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, инспекциянинг бошлиғи лавозимида ишлаган ХХХ, инспекциянинг бюджет тушум даромадларини ҳисобини юритиш ва прогнозлаштириш бўлими бош инспектори лавозимида ишлаган ХХХ ва инспекциянинг бюджет даромадларини ҳисобини юритиш ва инспекциясининг бюджет тушум даромадларининг ҳисобини юритиш ва прогнозлаштириш бўлими бош инспектори лавозимида ишлаган ХХХлар билан олдиндан жиноий тил бирктириб, бир гуруҳ бўлиб, ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиб, инспекция бошлиғининг топшириғи ва кўрсатмаси асосида бўлим ходимларига бюджетга тушимлар прогнозни режасини бажариш бўйича ўзининг топшириқ ва кўрсатмаларини бериб, гуёки тадбиркорлик субъектининг мурожаати асосида ортиқча пул маблағларини унинг ҳисоб рақамига қайтарилган қилиб кўрсатиб, яъни Нукус шаҳрида жойлашган “ХХХ” МЧЖ раҳбарининг 2020 йил 06 январь кунги қўшимча қиймат солиғидаги ортиқча тўлов ҳисобидан 100.200,0 минг сўмни ҳисоб рақамига қайтариб беришни сўраган мурожаати бўйича, ушбу жамиятнинг 2019 йилда қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг шу даврда амалда бўлган 70-моддасига асосан камерал назоратидан ўтказмасидан ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 08.08.2019 йилдаги 202-сонли буйруқ талабларига зид равишда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 30.12.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-599-сонли Қонунининг 5-моддасида ҳисобланган солиқ сўммасидан ҳисобга олинадиган ҚҚС сўммасининг ошиб кетиши натижасида ҳосил бўлган ҚҚС сўммасининг ўрнини қоплаш 2020 йил 01 июль кунидан эътиборан амалга оширилиши кўрсатилган бўлсада, ушбу қонун талабларининг қўпол равишда бузилишига йўл қуйиб, тегишли тузилма раҳбарларининг муносабатини билдириш ҳақидаги айланма варақасини юритилмаганлигини била тура, фақат бюджетга тушимлар прогнозни режаси кўрсаткичи учун, солиқ инспекциясида ушбу пул маблағларини вақтинча сақлаб туриб, тўғридан-тўғри 100.200,0 минг сўмлик ортиқча тўловни жамиятнинг банк филиалидаги ҳисоб рақамга қайтарилишига сабабчи бўлиб, жамиятга 2019 йил учун ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга ҳисобланган жами 131.916,1 минг сўм солиқ тўловларнинг тўланмасдан қолишига йўл қуйилганлиги оқибатида



давлат манфаатларига жами 100.200,0 минг сўмлик кўп миқдорда ва жиддий зарар етказганликда ифодаланган ҳаракатлари билан ЖКнинг 205-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир қилганликда;

Бундан ташқари, судланувчи ХХХ юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан чекланиб қолмасдан, жиноий қилмишларини давом эттириб, такроран, ХХХ бюджет тушум даромадларини ҳисоботини юритиш ва прогнозлаштириш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган даврида, мансабдор шахс бўла тура, ўзининг ғараз ва паст ниятларини амалга ошириш мақсадида, мансаб мавқеини суистеъмол қилиб, инспекциянинг бошлиғи лавозимида ишлаган ХХХ, инспекциянинг бюджет тушум даромадларини ҳисобини юритиш ва прогнозлаштириш бўлими бош инспектори лавозимида ишлаган ХХХ ва инспекциянинг бюджет даромадларини ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш бўлими бош инспектори лавозимида ишлаган ХХХлар билан олдиндан жиноий тил бирктириб, бир гуруҳ бўлиб, ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиб, инспекция бошлиғининг топшириғи ва кўрсатмаси асосида бўлим ходимларига бюджетга тушимлар прогнозни режасини бажариш бўйича ўзининг топшириқ ва кўрсатмаларини бериб, гуёки тадбиркорлик субъектининг мурожаати асосида ортиқча пул маблағларини унинг ҳисоб рақамига қайтарилган қилиб кўрсатиб, яъни Нукус шаҳрида жойлашган “ХХХ” МЧЖ раҳбари ХХХнинг 2020 йил 14 январь кунги қўшимча қиймат солиғидаги ортиқча тўлов ҳисобидан 160.000,0 минг сўмни ва 340.000,0 минг. сўмни ҳамда 2020 йил 15 январь кунги 3.060,0 минг сўмни 2020 йил 15 июль кунги қўшимча қиймат солиғидаги ортиқча тўлов ҳисобидан 44.000,0 минг сўмни ҳисоб рақамига қайтариб беришни сўраган мурожаатига асосан, ушбу жамиятнинг 2019 йилда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши бўйича Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг шу даврда амалда бўлган 70-моддасига асосан камерал назоратидан ўтказилмаганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 08.08.2019 йилдаги 202-сонли буйруқ талабларига зид равишда, тегишли тузилма раҳбарларининг муносабатини билдириш ҳақидаги айланма варақасини юритилмаганлигини била тура, фақат бюджетга тушимлар прогнозни режаси кўрсаткичи учун, солиқ инспекциясида ушбу пул маблағларини вақтинча сақлаб туриб, сўнг тўғридан-тўғри 2,0 млрд сўмлик ортиқча тўловни жамиятнинг банк филиалидаги ҳисоб рақамга қайтарилишига сабабчи бўлиб, жамиятнинг 2019 йил учун ҳисобланган фойда солиқдан 225.426,0 минг сўм ва қўшилган қиймат солиғига 337.000,56 минг сўм, жами 562.426,56 минг сўм солиқ тўловларнинг тўланмасдан қолишига йўл қуйилганлиги оқибатида давлат манфаатларига жами 562.426,56 минг сўмлик жўда кўп миқдорда ва жиддий зарар етказганликда ифодаланган ҳаракатлари билан ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни қасддан содир қилганликда айбланган.



4. Судланувчи ХХХ 26.07.2019 йилдан ҳозирги кунга қадар ХХХ бюджет тушум даромадларини ҳисоботини юритиш ва прогнозлаштириш бўлими катта инспектори лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла тура, ўзининг ғараз ва паст ниятларини амалга ошириш мақсадида, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, инспекциянинг бошлиғи лавозимида ишлаган ХХХ ва инспекциянинг бюджет тушум даромадларини ҳисоботини юритиш ва прогнозлаштириш бўлими бошлиғи ХХХлар билан жиноий тил бирктириб, бир гуруҳ бўлиб, ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиб, инспекция бошлиғининг топшириғи ва кўрсатмаси асосида бюджетга тушимлар прогнозни режасини бажариш бўйича, гуёки тадбиркорлик субъектининг мурожаати асосида ортиқча пул маблағларини унинг ҳисоб рақамига қайтарилган қилиб кўрсатиб, яъни Нукус шаҳрида жойлашган “ХХХ” МЧЖ раҳбарининг 2020 йил 06 январь кунги қўшимча қиймат солиғидаги ортиқча тўлов ҳисобидан 100.200,0 минг сўмни ҳисоб рақамига қайтариб беришни сўраган мурожаати бўйича, ушбу жамиятнинг 2019 йилда қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг шу даврда амалда бўлган 70-моддасига асосан камерал назоратидан ўтказмасдан ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 08.08.2019 йилдаги 202-сонли буйруқ талабларига зид равишда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 30.12.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-599-сонли Қонунининг 5-моддасида ҳисобланган солиқ сўммасидан ҳисобга олинандиган ҚҚС сўммасининг ошиб кетиши натижасида ҳосил бўлган ҚҚС сўммасининг ўрнини қоплаш 2020 йил 01 июль кунидан эътиборан амалга оширилиши кўрсатилган бўлсада, ушбу қонун талабларининг қўпол равишда бузилишига йўл қўйиб, тегишли тузилма раҳбарларининг муносабатини билдириш ҳақидаги айланма варақасини юритмасдан, фақат бюджетга тушимлар прогнозни режаси кўрсаткичи учун, солиқ инспекциясида ушбу пул маблағларини вақтинча сақлаб туриб, тўғридан-тўғри 06.02.2020 йилда 50.000,0 минг сўмлик ортиқча тўловни жамиятнинг банк филиалидаги ҳисоб рақамга қайтариб, жамиятга 2019 йил учун ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга ҳисобланган жами 131.916,1 минг сўм солиқ тўловларнинг тўланмасдан қолишига йўл қўйилганлиги оқибатида давлат манфаатларига кўп миқдорда ва жиддий зарар етказганликда ифодаланган ҳаракатлари билан ЖКнинг 205-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир қилганликда;

Бундан ташқари, ХХХ юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан чекланиб қолмасдан, жиноий қилмишларини давом эттириб, такроран, ХХХ бюджет тушум даромадларини ҳисоботини юритиш ва прогнозлаштириш бўлими катта инспектори лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла тура, ўзининг ғараз ва паст ниятларини амалга



ошириш мақсадида, мансаб мавқеини суистеъмол қилиб, инспекциянинг бошлиғи лавозимида ишлаган ХХХ ва инспекциянинг бюджет тушум даромадларини ҳисобини юритиш ва прогнозлаштириш бўлими бошлиғи ХХХлар билан олдиндан жиноий тил бирктириб, бир гуруҳ бўлиб, ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиб, инспекция бошлиғининг топшириғи ва қўрсатмаси асосида, бюджетга тушимлар прогнозни режасини бажариш бўйича гуёки тадбиркорлик субъектининг мурожаати асосида ортиқча пул маблағларини унинг ҳисоб рақамига қайтарилган қилиб кўрсатиб, яъни Нукус шаҳрида жойлашган “ХХХ” МЧЖ раҳбари ХХХнинг 2020 йил 14 январь кунги қўшимча қиймат солиғидаги ортиқча тўлов ҳисобидан 160.000,0 минг сўмни ва 340.000,0 минг. сўмни ҳамда 2020 йил 15 январь кунги 3.060,0 минг сўмни ҳисоб рақамига қайтариб беришни сўраган мурожаатига асосан, ушбу жамиятнинг 2019 йилда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши бўйича Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг шу даврда амалда бўлган 70-моддасига асосан камерал назоратидан ўтказмасдан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 08.08.2019 йилдаги 202-сонли буйруқ талабларига зид равишда, тегишли тузилма раҳбарларининг муносабатини билдириш ҳақидаги айланма варақасини юритмасдан, фақат бюджетга тушимлар прогнозни режаси кўрсаткичи учун, солиқ инспекциясида ушбу пул маблағларини вақтинча сақлаб туриб, сўнг тўғридан-тўғри 14.01.2020 йилда 160.000,0 минг сўм, 15.01.2020 йилда 340.000,0 минг сўм ва 05.02.2020 йилда 1.500.000,0 минг сўм жами 2,0 млрд сўмлик ортиқча тўловни жамиятнинг банк филиалидаги ҳисоб рақамга қайтариб, жамиятнинг 2019 йил учун ҳисобланган фойда солиқдан 225.426,0 минг сўм ва қўшилган қиймат солиғига 337.000,56 минг сўм, жами 562.426,56 минг сўм солиқ тўловларнинг тўланмасдан қолишига йўл қуйганлиги оқибатида давлат манфаатларига жами 562.426,56 минг сўмлик жўда кўп миқдорда ва жиддий зарар етказганликда ифодаланган ҳаракатлари билан ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни қасддан содир қилганликда айбланган.

Судланувчилар ХХХ, ХХХ ва ХХХларнинг биргаликдаги шикоятда, ўзларининг айбсизлиги тўғрисида важларни келтириб, суд ҳукмини бекор қилишни ва янгитдан ҳукм чиқаришни сўраган.

Судланувчи ХХХ шикоятда, ўзининг айбсизлиги тўғрисида важларни келтириб, суд ҳукмини бекор қилишни ва янгитдан ҳукм чиқаришни сўраган.

Судлов ҳайъати судьянинг маърузасини, прокурорнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, ҳимоячиларнинг суд ҳукмини бекор қилишни сўраган фикрларини, судланувчиларнинг важларини эшитиб, жиноят ишида тўпланган далилларни текшириб, уларга баҳо бериб, шикоят важларини муҳокама қилиб, қуйидагиларга асосан ҳукмнинг



судланувчи XXXга оид қисмига ўзгартиришлар киритишни, судланувчилар XXX, XXX ва XXXларга оид қисмини эса бекор қилган ҳолда уларга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни лозим топади.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи XXX “XXX” МЧЖнинг раҳбари сифатида солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашда ифодаланган ҳаракатлари ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Аммо, ундирилиши лозим бўлган солиқ ва мажбурий тўловлар қиймати жами 562.426.560 сўмга ҳисобланиб хатоликга йўл қўйилган.

Чунки, мазкур апелляция инстанция судининг ташаббуси билан тайинланган қўшимча суд-иқтисодий экспертизаси бўйича давлат суд экспертизаси 2022 йил 20 сентябрдаги 21-01(533)17.Z-1025-сонли хулосасига кўра, учинчи саволга берилган жавобда “XXX” МЧЖ томонидан корпоратив карта асосида қурилиш материаллари харид қилинган (кейинчалик қурилиш ишларида фойдаланилган) ҳамда кейинчалик суд қарори асосида қалбаки эканлиги аниқланган (товар етказиб берувчининг айби билан) ҳолатлар (қалбаки ёки қалбаки эмаслигидан қатъий назар) бўйича жамиятга икки марта солиқ ҳисобланиши асоссиз эканлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 7-моддасида, солиқ солиш мажбурийлик, аниқлик ва солиқ органларининг солиқ тўловчилар билан ҳамкорлиги, адолатлилик, солиқ тизимининг ягоналиги, ошкоралик ва солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципларига асосланиши кўрсатилган бўлса, 8-моддасида эса, ҳеч кимга солиқлар ва йиғимларнинг барча аломатларига эга бўлган, бироқ ушбу Кодексда назарда тутилмаган ёхуд унинг нормалари бузлигига ҳолда белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Шу сабабли судлов ҳайъати, судланувчи XXXни ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан айблов эпизоди бўйича ундирилиши лозим бўлган солиқ ва мажбурий тўловлар қийматини жами 225.426.000 сўмга ҳисоблашни лозим топади.

Бундан ташқари судлов ҳайъати, биринчи инстанция суди томонидан судланувчи XXXни “XXX” МЧЖ ва “XXX” МЧЖ ўртасида 2019 йилда тузилган 1.411.963.000 сўмлик 32 та хисобот фактураларнинг, яъни муайян ҳуқуқ берадиган ва расмий ҳужжат ҳисобланган ҳисоб-фактураларнинг қалбаки эканлигини била тура, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузган ҳолда ушбу ҳужжатлардан фойдаланиш каби ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми ва 228-моддаси 3-қисми билан нотўғри айбланган деб ҳисоблайди.

Сабаби, “XXX” МЧЖ томонидан “XXX” МЧЖдан корпоратив банк пластик карточкаси орқали жами 1.480.422.800 сўмлик товар олинган бўлиб, мазкур ҳолат бўйича расмийлаштирилган ҳисоб-фактураларда жамиятга қурилиш материаллари олингани кўрсатилган бўлиб, аммо Урганч шаҳар ИИБнинг 07.09.2019 йилдаги 30-сонли экспертиза



хулосасига кўра, ҳисоб-фактуралардаги думалоқ муҳр билан “ХХХ” МЧЖнинг муҳри бирдек эмаслиги аниқланиб, текширув якуни билан ушбу ҳисоб-фактуралар ҳақиқий эмас, деб топилган.

Судланувчи ХХХнинг ҳисоб-фактураларнинг айнан қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланганлигини тасдиқловчи бирон бир далил мавжуд эмас, шунингдек судланувчи ХХХнинг ўзи ҳам ҳисоб-фактуралар қалбаки эканлигини билмаганлигини таъқидлаб келмоқда.

ЖПК 82-моддасида, ишни айблов хулосаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун жиноят объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги, жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари исботланган бўлиши кераклиги белгиланган.

ЖПК 94-моддасида иш бўйича қабул қилинадиган қарор синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текширилган далилларгагина асосланган бўлиши лозимлиги;

ЖПК 95-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо бериши, ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги кўрсатилган.

Судлов ҳайъати, биринчи инстанция судининг ҳукмида судланувчи ХХХни айблаш учун асос қилиб олинган, қалбаки деб эътироф этилган “ХХХ” МЧЖ ва “ХХХ” МЧЖ ўртасида 2019 йилда тузилган 1.411.963.000 сўмлик 32 та хисобот фактуралар унинг айбини исботловчи бевосита мақбул далил сифатида эътироф этиб бўлмайди.

Юқорида баён қилинганларга кўра судлов ҳайъати, судланувчи ХХХнинг айбидан ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми ва 228-моддаси 3-қисмини чиқаришни лозим топди.

Судланувчи ХХХнинг айбсизлиги тўғрисидаги важлари билан келишиб бўлмайди, унинг ЖКнинг 184-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни қасдан содир қилганликдаги айби:

2022 йил 20 сентябрдаги қўшимча суд-иқтисодий экспертизаси бўйича давлат суд экспертизининг 21-01(533)17.Z-1025 сонли хулосаси;

жиноят ишининг 1-жилд 74-85, 2-жилд 84-98, 152-164, 3-жилд 172-179, 271-274-варақларидаги Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҚР бошқармаси ва ҚР Давлат солиқ бошқармаси мутахассислари томонидан ўтказилган тафтиш хулосаси (далолатномаси) ва хизмат текшируви хулосаси;

жиноят ишининг 3-жилд 169-211-варақларидаги суд техник-криминалистик экспертизаси хулосаси ва унга илова қилинган 32 дона хисобот фактураларнинг асл нусхаси, муҳр намуналари ҳамда жиноят



ишида тўпланган ўтказилган ўрганиш далолатномалари ҳамда ҳукмда баён этилган иш юзасидан тўпланган далиллар мажмуи билан тўлиқ исботланган.

Шунингдек, Демартаментнинг ҚР Нукус туман бўлими инспектори ХХХ ва ҚР Давлат Солиқ бошқармаси солиқ аудити шўъбаси давлат солиқ бош инспектори ХХХларнинг 22.11.2021 йилдаги “ХХХ” МЧЖга ўтказилган солиқ текшируви далолатномасидаги аниқланган фактлари бирламчи бухгалтерия хужжатлари билан тасдиқлаган (жиноят ишининг 3-жилд 73-131-варақлари).

Жиноят ишидаги бирламчи бухгалтерия хужжатларидаги маълумотларига асос “ХХХ” МЧЖ томонидан 2019 йил давомида корпоратив банк пластик карточкаси орқали “ХХХ” МЧЖдан 45 ҳолатда жами 1.480.422.800 сумлик қурилиш материаллари ечиб олинган (жиноят ишининг 3-жилд 119-121-варақлари).

“ХХХ” МЧЖнинг бухгалтериялик бошланғиш, бирламчи ва регистр хужжатлари маълумотларига асос, “ХХХ” МЧЖдан олинган қурилиш материаллари, ҚР Мўйноқ туманидаги давлат идораларини реконструкция қилишга, қурилишга сарфланган.

Шу сабабли судлов ҳайъти, судланувчи ХХХнинг айбсизлиги тўғрисидаги асоссиз важларини инобатга олмасликни лозим топади.

Судланувчи ХХХга ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан жазо тайинлаш масаласида, унинг содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, оилавий аҳволи ва қарамоғида вояга етмаган тўрт фарзанди борлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб эътироф этган ҳолда унга озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, ЖКнинг 62-моддасига асосан 2021 йил 16 декабрдан 2022 йил 03 июнга қадар қамоқда ўтирган ҳар бир куни тайинланган озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, тайинланган озодликни чеклаш жазосидан чегиришни;

Судланувчи ХХХ томонидан жами 225.426.000 сўм миқдоридagi солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиқ тўланиб қопланганлиги эътиборга олинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг Агробанк Нукус шаҳар филиалидаги 20204000000413697001-сонли депозит ҳисоб рақамига етказилган моддий зарарни қоплаш учун солинган жами 405.470.000 сўмлик тўланмаган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларидан 225.426.000 сўм миқдори Қорақалпоғистон Республикаси ДСБ фойдасига ундиришни, қолган 124.256.720 сумини судланувчи ХХХга қайтариб беришни лозим топади.

Судлов ҳайъати, судланувчилар ХХХ, ХХХ ва ХХХларнинг айбсизлиги тўғрисидаги важларини муҳокама қилиб, ҳукмнинг уларга оид қисмини бекор қилган ҳолда уларга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар



томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оклайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам огирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги;

ЖПК 23-моддасида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги;

ЖПК 82-моддасида, ишни айблов хулосаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун жиноят объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавfli оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги, жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари исботланган бўлиши кераклиги белгиланган.

ЖПК 94-моддасида, иш бўйича қабул қилинадиган қарор синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текширилган далилларгагина асосланган бўлиши лозимлиги;

ЖПК 95-моддасида, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо бериши, ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги кўрсатилган.

Бироқ, иш бўйича қайд этилган Қонун талаблари риоя этилмаган.

Хусусан, биринчи инстанция суди судланувчилар ХХХ, ХХХ ва ХХХларнинг айбсизлиги тўғрисидаги важлари ва ишда тўпланган далилларга тегишли баҳо бермасдан:

Нукус шаҳрида жойлашган “ХХХ” МЧЖ раҳбарининг 2020 йил 06 январь кунги қўшимча қиймат солиғидаги ортиқча тўлов ҳисобидан 100.200,0 минг сўмни ҳисоб рақамига қайтариб беришни сўраган мурожаати бўйича, ушбу жамиятнинг 2019 йилда қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг шу даврда амалда бўлган 70-моддасига асосан камерал назоратидан ўтказмасидан ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 08.08.2019 йилдаги 202-сонли буйруқ талабларига зид равишда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 30.12.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-599-сонли Қонунининг 5-моддасида ҳисобланган солиқ сўммасидан ҳисобга олинадиган ҚҚС сўммасининг ошиб кетиши натижасида ҳосил бўлган ҚҚС сўммасининг ўрнини



қоплаш 2020 йил 01 июль кунидан эътиборан амалга оширилиши кўрсатилган бўлсада, ушбу қонун талабларининг қўпол равишда бузилишига йўл қуйиб, тегишли тузилма раҳбарларининг муносабатини билдириш ҳақидаги айланма варақасини юритилмаганлигини била тура, фақат бюджетга тушимлар прогнозни режаси кўрсаткичи учун, солиқ инспекциясида ушбу пул маблағларини вақтинча сақлаб туриб, тўғридан-тўғри 100.200,0 минг сўмлик ортиқча тўловни ўзининг пароли орқали шаҳар ғазначилик бўлими орқали жамиятнинг банк филиалидаги ҳисоб рақамга қайтарилшига йўл қуйиб, жамиятга 2019 йил учун ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга ҳисобланган жами 131.916,1 минг сўм солиқ тўловларнинг тўланмасдан қолишига йўл қуйилганлиги оқибатида давлат манфаатларига жами 100.200,0 минг сўмлик кўп миқдорда ва жиддий зарар етказиш;

Нукус шаҳрида жойлашган “ХХХ” МЧЖ раҳбари ХХХнинг 2020 йил 14 январь кунги қўшимча қиймат солиғидаги ортиқча тўлов ҳисобидан 160.000,0 минг сўмни ва 340.000,0 минг. сўмни ҳамда 2020 йил 15 январь кунги 3.060,0 минг сўмни 2020 йил 15 июль кунги қўшимча қиймат солиғидаги ортиқча тўлов ҳисобидан 44.000,0 минг сўмни ҳисоб рақамига қайтариб беришни сўраган мурожаатига асосан, ушбу жамиятнинг 2019 йилда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши бўйича Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг шу даврда амалда бўлган 70-моддасига асосан камерал назоратидан ўтказилмаганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 08.08.2019 йилдаги 202-сонли буйруқ талабларига зид равишда, тегишли тузилма раҳбарларининг муносабатини билдириш ҳақидаги айланма варақасини юритилмаганлигини била тура, фақат бюджетга тушимлар прогнозни режаси кўрсаткичи учун, солиқ инспекциясида ушбу пул маблағларини вақтинча сақлаб туриб, сўнг тўғридан-тўғри 2,0 млрд сўмлик ортиқча тўловни, ўзининг шахсий пароли орқали Нукус шаҳар ғазначилик бўлимига йўналтириб, сўнг жамиятнинг банк филиалидаги ҳисоб рақамга қайтарилшига йўл қуйиб, жамиятнинг 2019 йил учун ҳисобланган фойда солиқдан 225.426,0 минг сўм ва қўшилган қиймат солиғига 337.000,56 минг сўм, жами 562.426,56 минг сўм солиқ тўловларнинг тўланмасдан қолишига сабабчи бўлиб, давлат манфаатларига жами 562.426,56 минг сўмлик жўда кўп миқдорда ва жиддий зарар етказишда ифодаланган ҳаракатлари юзасидан уларни ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, яъни давлат органи мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиши давлат манфаатларига жўда кўп миқдорда зарар етказиш бўйича ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми ва 205-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбдор деб топиш ҳақида асосиз хулосага келган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг шу даврда амалда бўлган 70-моддасининг 1-қисмида, камерал назорат – солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим қилинган финанс ва солиқ ҳисоботлари, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти



тўғрисидаги давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бўлган бошқа хужжатларни ўрганиш ва танлов асосида амалга ошириладиган назорат жараёни эканлиги кўрсатилган бўлиб, аммо юқорида қайд қилинган тадбиркорлик субъектлари томонидан 2020 йилнинг январь ойига 2019 йил учун йиллик ҳисоботи солиқ органларига тақдим қилинмаганлиги сабабли камерал назоратини ўтказишнинг имкони бўлмаган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 08.08.2019 йилдаги 202-сонли буйруқ талабларининг оқибати жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 03.06.2021 йилдаги 278-сонли буйруғининг 25-бандида, солиқлар ва йиғимларнинг ортиқча тўланган ёки ундирилган, тўланган суммани қайтариш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 103-105-моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилиши, яъни мазкур Солиқ кодексининг 104-моддасига кўра, ортиқча солиқ тўлови мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектнинг маблағи тадбиркорлик субъект мурожаат қилганидан сўнг 15 кун муддат ичида қайтариб берилмаса, унда тадбиркорлик субъекти ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун шу даврдаги Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида пеня тўланиши ва бу пеня маҳаллий бюджет ҳисобидан тўланиши кўрсатилган.

Юқорида қайд қилинган ҳолатларга кўра, ХХХ, ХХХ ва ХХХларнинг узирли сабабларга кўра камерал назоратини ўтказмаган ҳамда тадбиркорлик субъектларининг мурожаатига асосан улар томонидан тўланган ортиқча тўловларни қайтариб берган ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд эмас.

Бундан ташқари, муайян миқдордаги солиқ тўловларининг тўланмасдан қолишига сабабчи бўлган ҳисоб-фактураларнинг қалбаки эканлиги аниқланган.

Мазкур ҳолатда айбсизлик презумпцияси принципига амал қилган ҳолда суд ҳукмининг ХХХ, ХХХ ва ХХХларга оид қисмини адолатли ва қонуний деб баҳолаб бўлмайди.

Юқорида баён қилинганларга кўра судлов ҳайъати, Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 7-бандидаги ЖПКнинг 462-моддасига мувофиқ, суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкинлиги, ЖПКнинг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпцияси принципи ҳукм турини аниқловчи мезон сифатида эътироф этилганлиги ҳақидаги тушунтиришига риоя қилиб, дастлабки тергов органи ва суднинг асослантирилмаган, тахмин ва фаразлардан иборат ХХХ, ХХХ ва ХХХларнинг суд ҳукмининг уларга оид қисмида қайд қилиб ўтилган жиноятни содир қилишганлиги ҳақидаги айблов иш ҳолатлари батафсил текширилгандан кейин уни тасдиқловчи объектив далиллар мавжуд эмаслиги сабабли ишонарли тарзда ўз тасдиғини топмади ва уларнинг қилмишида жиноят таркиби



бўлмаганлиги билан боғлиқ шубҳани судда бартараф этиш имкониятлари тугаган деб ҳисоблаб, ХХХ, ХХХ ва ХХХларнинг фойдасига ҳал қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандида, унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса, судланувчи айбсиз деб топилиши ва реабилитация этилиши лозимлиги;

464-моддаси биринчи қисми 2-бандида, унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса, оқлов ҳукми чиқарилиши белгиланган.

Юқоридагиларга асосан, судлов ҳайъати, мазкур жиноят иши бўйича биринчи инстанция суди ҳукмини бекор қилишни ҳамда унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги муносабати билан ХХХ, ХХХ ва ХХХларни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми ва 205-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбсиз деб топиб, реабилитация этишни ва жиноят ишини ЖПКнинг 83-моддасининг 2-бандига асосан тугатишни;

ХХХ, ХХХ ва ХХХларга мулкый, маънавий ва бошқа зиённи қоплаш масаласида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 304-312-моддалари тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 497¹³, 497¹⁷, 497²⁶, 497³¹, 497³⁴, 497³⁶-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар суди томонидан ХХХ, ХХХ, ХХХ ва ХХХларга нисбатан чиқарилган 2022 йил 03 июндаги ҳукми ўзгартирилсин.

Судланувчи ХХХнинг айбидан ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми ва 228-моддаси 3-қисми чиқарилсин.

Судланувчи ХХХ ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилсин.

Судланувчи ХХХга ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан 2 йил 2 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин. ЖКнинг 62-моддасига асосан 2021 йил 16 декабрь кунидан 2022 йил 03 июнь кунига қадар қамоқда ўтирган ҳар бир куни тайинланган озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, тайинланган озодликни чеклаш жазосидан чегирилсин.

Судланувчи ХХХнинг озодликни чеклаш жазосини ўташ - ХХХ уй манзили белгилансин ва унга куннинг кечки соат 23:00 дан эрталаб соат 06:00 га қадар яшаш жойидан чиқиш тақиқлансин, Шўманой тумани ИИО пробақия гуруҳининг расмий руҳсатсиз ва розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик ва тегишли маъмурий ҳудуддан, яъни Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби чекловлар ўрнатилсин.



Судланувчи ХХХ томонидан жами 225.426.000 сўм миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиқ тўланиб қопланганлиги эътиборга олинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг Агробанк Нукус шаҳар филиалидаги 20204000000413697001-сонли депозит ҳисоб рақамига етказилган моддий зарарни қоплаш учун солинган жами 405.470.000 сўмлик тўланмаган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларидан 225.426.000 сўм миқдори Қорақалпоғистон Республикаси ДСБ фойдасига ундирилсин;

Ундан қолган 180.044.000 суми судланувчи ХХХга қайтариб берилсин.

Хукмнинг ХХХ, ХХХ ва ХХХларга оид қисми бекор қилинсин.

ХХХ, ХХХ ва ХХХларнинг қилмишларида жиноят таркиби мавжуд эмаслиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан реабилитация этилсин ва жиноят иши ҳаракатдан тугатилсин.

ХХХ, ХХХ ва ХХХлар айбсиз деб топилиб, оқлансин.

ХХХ, ХХХ ва ХХХларнинг ўзларига етказилган мулкый зиённи қоплаш ҳамда маънавий ва бошқа зиён оқибатларини ЖПКнинг 304-312-моддаларида назарда тутилган тартибда бартараф қилиш ҳуқуқига эга эканлиги эътироф этилсин.

Шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи

Т.Турдымуратов

Ҳайъат судьялари

А.Бекманов

Л.Отегенова

Ажрим нусхаси аслига тўғри _____ Т.Турдымуратов

